

*Анвар Самад*

# ТАСКИН

**“Истиклол”  
Тошкент – 2008**

## **ББК 84 (59)6**

*Кўлингиздаги ушбу мўъжазгина тўплам аслида кичкина эмас. Унда хаёл ва ҳаёт орасида тентираб юрган бир шоирнинг кўнглидан кечирганлари жамланган.*

*Шу боисдан ҳам, у гаҳ маҳзун, гоҳ тушкун, гоҳида жўшиқину гаҳида сокин туйғулардан сўзлайди сизга. Умид қиласмизки, бу тўплам аржуманд истар кўнгилларга таскин бўлади.*

**ISBN 978-9943-338-30-2**

**© Анивар Самад  
© «Истиқлол», 2008**

## БЕҲИҚМАТ БЎЛМАГАЙ ТОҒЛАРНИНГ ТОШИ

Анварбек қадимий бир масканда таваллуд топган. Бу манзилнинг номи тилга олинган ҳамоно кишининг кўксига шамол урилгандай, кўнгил ҳам, чехра ҳам бирдан ёриштандай бўлади. Үзбек адабиётига Теша Сайдалиев, Шукур Холмирзаев, Шафоат Раҳматуллоҳ, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Эшқобил Шукур сингари ўнлаб истеъдолларни берган Сурхон воҳасидан, қадим Бақтрия тепаларидан катта истеъдод эгалари бундан кейин ҳам соғ ва жўшқин булоқлардек қайнаб чиқмоғи табиийдир. «Олтин конидан фақат олтин чиқади» дейилганидек, Бойсун тоғлари, Шеробод қирларининг бағрида ҳали қанчадан-қанча қуйма маъданлар беркиниб ётибди. Ҳалқда «беҳикмат бўлмагай тоғларнинг тоши» деган нақл бор. Анвар укамиз ана шундай серҳикмат маъвонинг фарзанди. Кўксида дарди, соғинчи бор. Бу дард уни бир кун юртнинг катта шоирлари қаторига олиб чиқиши унинг ўзига, меҳнати ва садоқатига боғлиқ. Олдинда қанча бедор тунлару уйғоқ тонглар, ҳаётнинг паст-баландлари бор. Сўз айтишига қараганда Анварбек буларнинг ҳаммасига дош бера олади. Нуру зиёси ўз исми билан бирга келган Анварбекка Омад билан Сабр бир умр акука бўлиб, икки қўлтиғидан етаклаб юрсин деймиз.

Сирожиддин САЙИД,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири



## **Давомийлик**

**Фасллар алмашди кўзинг ўнгидা,  
Баҳорлар уйғонди кузлар сўнгидা,  
Шамол тўлқинларни булутга тутди,  
Сенинг юрагингдан нималар ўтди?**

**Замин ўз ўқида ураверди чарх,  
Йилни дақиқадан эта олмай фарқ.  
Отанг кўз ўнгингда қартайиб битди,  
Сенинг юрагингдан нималар ўтди?**

**Этингдан ажратиб тирноқларингни,  
Дарёларга элтиб ирмоқларингни,  
Фарзандлар туғилса ўзингдек худди,  
Сенинг юрагингдан нималар ўтди?**



## Чизги

Бола эдим. Қор ёққан кеча  
Тонгни кутар эдим бесабр.  
Қолмас эди ташвиш заррача  
Хоҳ у мактаб, хоҳ у боғчадир.

Үйнар эдим завқларга тўлиб,  
Оппоқ кўриб бутун дунёни!  
Аммо йиллар ўз ишин қилиб,  
Олиб кетди ўшал зиёни.

Энди умрим оқу қорадир  
Йўлим эгри, баланд-пастдир ё.  
Қорлари ҳам эриб борадир  
Кувончимга қасдма-қасд дунё.

## Ўн еттинчи баҳор

Болалигим, шўхлигим қолиб  
Ҳаёт деган озорим келди.  
Ўз жонини ўтларга солиб  
Ўн еттинчи баҳорим келди!

Энди умрим кетгунча ғамдур,  
Поёнига етгунча ғамдур,  
Бу биринчи маҳзун қадамдур,  
Ўн еттинчи баҳорим келди.

Титроқ кирди кулгуларимга,  
Куфр тўлди туйғуларимга,  
Дард қўшилиб қайғуларимга,  
Ўн еттинчи баҳорим келди.

Гуноҳларга бурдим юзимни,  
Ғубор қўмди мурғак қўзимни,  
Қутқаролмай қолдим ўзимни,  
Ўн еттинчи баҳорим келди.

Ҳаёт деган озорим келди...



## **Илинж**

Кунлар ўтар ҳар кунгидай,  
Кунлар армон бўларкан.  
Энди билсам, ҳаммасидан  
Софинч ёмон бўларкан.

Нетай, ҳижрон пешонамнинг  
Ёзиғидир, онажон.  
Орзуларим ҳаётимнинг  
Озиғидир, онажон.

Биздай ғариб кўнгилларнинг  
Осмон бўлар нияти.  
Сени қучиб қулоғингга  
Бир гап айтгим келади:

Юрагимдан оғриқларни  
Олиб қўйгин, онажон.  
Мени қайта бешигинга  
Солиб қўйгин, онажон.



## Йўқлама

Муаллимлар дарсга кирган чоғ  
Йўқламасин бошларди доим.  
Навбат бизга келганда бироқ  
Лабларини тишларди доим.

Бизлар эса дарсларда йўқмиз.  
Парталардан кетганмиз тўйиб.  
Тўп тепамиз далалар узра  
Папкаларни чеккага қўйиб.

Биз нўноқмиз дарсларга жуда  
Вазифага тайёр эмасмиз.  
Бирозгина дангасамиз биз,  
Бошқалардай айёр эмасмиз.

Шу сабабдан дарсларни ташлаб,  
Далаларга қочар нўноқлар.  
Тоққа чиқиб китобин эмас  
Юрагини очар нўноқлар.

Озод эдик, хур эдик аммо  
Қолиб кетди у баҳтли замон.  
Йиллар ўтгач айланиб дунё  
Мажбурликка ўргандик тамом.

**Ҳаёт бизга устоздир бугун  
Вазифага тайёрмиз биз ҳам!  
Ақллимиз ҳаммага ўхшаб  
Бошқалардай айёрмиз биз ҳам!**

**Яшаяпмиз савдолар ичра,  
Ундан сира қочолмагаймиз.  
Кенгликларга чиқиб тоҳида  
Кўнглинимизни очолмагаймиз.**

**Тақдир экан, йиллар измида  
Сайқалландик, ўзгардик бироз.  
Ташвишларинг қўйиб баъзида  
Йўқлаб тургин бизларни, устоз!**



## Оғриқ

Маъюс тортиб қолди кунларим бирдан,  
Менинг ҳам йўлимга чоҳлар тушибди.  
Менга ибрат бўлиб ўтган умрдан  
Отамнинг сочига оқлар тушибди.

Ноқобил чиқдикми ўғиллар озроқ,  
Ҳасратлашай деса, олисда қизлар.  
Юракка ютилган барча ғам-фироқ  
Онамнинг юзига солибди излар.

Ноҳуш бир туйғудан сесканар қалбим.  
Сизга умр берсин Оллоҳим менинг.  
Ота, соchlарингдан тушундим айбим,  
Она, ажинларинг гуноҳим менинг.



## **Парадокс**

Кеча - болаликнинг шодон фаслида  
Бахти келажақдан хаёл суриман.  
Бугун - ҳаётимнинг чорраҳасида  
Қайга боришимни билмай турибман.

**Ноқис эмасман-у асли ҳеч кимдан  
Мендан кутилгандек бўлмай юрибман.  
Маъно изламангиз тириклигимдан  
Ахир мен шунчаки ўлмай юрибман!**

## **Катталар дунёси**

Умр елиб борар. Не-не тақдирлар  
Бир уюм тупроққа айланиб қолди.  
Қанча орзулару қанча тадбирлар  
Унинг шитобида изсиз йўқолди.

Ҳали не савдолар кутяпти бизни,  
Дилга қўрқув солар бешафқат ҳаёт!  
Куфрга тўлдириб кўзларимизни  
Катталарга ҳамроҳ бўляпмиз наҳот?!



## **Ҳақиқат**

Сен уни муштингда асраб келардинг  
Кафтингга ботириб тирноқларингни.  
Мен эса - гўр бола бир бор кўрай деб  
Бўшатмоқ бўлардим бармоқларингни.

У пайтлар ёш эдим қўра олмадим.  
Бугун ажин тушган пешонаман мен.  
Ҳалиям тугилган муштлар ичидаги  
Ҳақиқат бор, дея ишонаман мен.

## **Үйқу**

Ўзимнинг тушларим сийлар ўзимни.  
Қуёш эса мени уйғотмоқ бўлар.  
Фақат тушдагина топган баҳтимни  
Бир киприк қоқишида йўқотмоқ бўлар.

Тушда қийнамайди виждан деган дард.  
Тушда вожиб бўлар қалбнинг қаломи.  
Аммо мен қачондир уйғонишим шарт.  
Уйғонсам, бемаъни кечар давоми.

## **Ривоят**

Дейдиларки, азал-азал  
Инсон қалби доғ бўлган.  
Унинг барча қайғуларин  
Қабристони тоғ бўлган.

Шундан бери бу жойларда  
Армонларнинг қабри бор.  
Балки тоғлар шундан баланд,  
Балки шундан улуғвор!

## **Хавотир**

Сени яхши кўраман, осмон!  
Кучгим келар юлдузларингни.  
Олиб кетгин мен каби нолон  
Ошиқларинг, ожизларингни.

Қанотсиз, деб қулмангиз сира  
Менинг ғолиб армонларим бор.  
Ерда қолсам иймоним хира  
Ҳётимдан гумонларим бор.

## **Кечинма**

**Мен ростгўйман, дейди ёлғончи одам.  
Инсофдан сўзлайди муғомбирлар ҳам.**

**Фийбатчи кўринар марддек ҳамиша.  
Фосиқнинг тилида уят, андиша.**

**Тавба деб, гуноҳда этилмас давом,  
Бизнинг тавба эса давомли мудом.**

**Таҳоратли юрган фоҳиша мисол,  
Эҳтимол, бизнинг ҳам луқмамиз ҳалол.**

**Шаҳват ниқобига айланган севги,  
Наҳотки, шунчалар арзимас сезги.**

**Самимий туйгулар омон қайдасиз?  
Бизнинг кўчамизга қачон қайтасиз?**



## Рўбарў

Кўча супурётган бечора қизча,  
Кўлларингни кўриб қийналиб кетдим  
Совуқдан дийдираб оввора қизча,  
Йўлларингни кўриб қийналиб кетдим.

Отанг оч ўтирас касалдан ранжиб.  
Меҳнаткаш онангнинг устлари юпун.  
Сен эса халоскор супургинг қучиб  
Курашиб яшайсан тириклик учун.

Уйда қўғирчоқлар кутмайди сени  
Сен кўча супуриб ўйнаётирсан.  
Соч ўришини эмас, аллани эмас  
Оила боқишни ўйлаётирсан.

Кўча супурётган бечора қизча  
Кўлларингни кўриб қийналиб кетдим.  
Устинг ямалгунча, қорнинг тўйгунча  
Нобуд бўлмагин деб ўйланиб кетдим.

## Ўзлик

Тўйда соч силатар қилар момолар:  
Бу икки ёш учун ўрганиш бўлсин.  
Бунгача қанча соч силанганини  
Содда момоларим қаердан билсин?

Юбкалари калта манави қизнинг  
Аминманки, исми Оиша эмас.  
Буйнига занжирча тақсан бу йигит  
Ҳувайдо исмига қилмайди ҳавас.

Бир ажиб ҳикматга дуч келдим охир  
Ким учун жавоб бу, ким учун савол.  
Қўзлари кўк, сочи сариқ муҳожир  
Ўғлининг исмини қўйибди Билол.

## Тасодиф

Шаҳарнинг энг сўлим гўшаларида  
Синфдош дилбарни учратиб қолдим.  
Мен билган беғубор қўлчаларида  
Гуноҳкор қўлларни учратиб қолдим.

Фаришта эмас у энди мен билган,  
Ўзи севмагандан бўсалар кутди.  
Ўқишлиарда юрган, ҳарбийда юрган  
Ошиқ юракларни қандай унугти?!

Отаси ер тирнар ўқиши учун  
Дўпли олиб киймас ҳатто бошига.  
Онаси баҳтиёр бўлиши учун  
Мўлжаллаб юрибди қариндошига.

Шаҳарнинг бу сўлим гўшаларида  
Унинг қилмишини ҳеч ким билмайди.  
Лек мени балогат кўчаларида  
Ошиқ дўстларимнинг дарди қийнайди.

Тангрим, паст қилмагин ҳеч бир йигитни  
Ҳамманинг уйида ҳаловат бўлсин.  
Келинчак бўлганда орзуси каби  
Қизнинг ўтмиши ҳам саломат бўлсин.

## **Иқрор**

Дўстимга хиёнат қилдим атайлаб,  
Буни ҳам ҳаётнинг шартига йўйдим.  
Сохта севгиларни юракка жойлаб,  
Бокира қизларни севдириб қўйдим.

Онам интиқ кутар - етти ой бўлди  
Мен эса уларни соғинмадим ҳам.  
Бешигим тебратган момолар ўлди  
Негадир заррача оғринмадим ҳам.

...Қандай бола эдим қўзлари мунчоқ  
Нега мен бунчалар ўзгариб кетдим?!  
Ярмимиз худбинмиз, ярмимиз олчоқ  
Наҳот шу ҳаётга ўрганиб кетдим?

## **Изтироб**

Баъзида бирорга қуллуқ қилиш шарт.  
Бирорни назарга илмаслик керак.

Гоҳи амал қилиб билғанларингга  
Гоҳида ҳеч нарса билмаслик керак.

Гуноҳдан тийилиш керак баъзида  
Баъзида яхшилик қилмаслик керак.

Гоҳида йиғлагинг келади, чида,  
Гоҳ қийин бўлса ҳам кулмаслик керак.

Жонингта тегса-да бу сохта ҳаёт,  
Чекинмаслик керак, тўлмаслик керак.

Кимнидир суйдириб тирик бўл доим,  
Кимнидир куйдириб ўлмаслик керак.



## Таскин

Ҳар кун уйғонасан қайгадир шошиб,  
Қаршилайди сени янгича ҳаёт.  
Ненидир излайсан югуриб, чолиб.  
Лекин топилмайди сен кутган нажот.

Барибир орзулар қийнар одамни.  
Шу зайл ёшингга ёшлар қушилгай.  
Енгиб ўтиб қанча ранжу аламни,  
Сочингга кумушранг соchlар қўшилгай.

Шунда юрагингдан излайсан нажот,  
Тўкилиб соласан унга дардингни.  
Яна эслатиб ҳам турасан бот-бот.  
Ўғилларинг билмай кетган қадрингни.

Оқламоқ бўласан ўзингни алдаб,  
Элтай деб юракни тоза ва бутун.  
Бир куни кетасан ҳаммасин ташлаб,  
Яна қолаверар дунё беустун...



## Тушуниш

Оқар сувга термулади чол,  
Нималарни ўйлайди шу дам.  
Нигоҳида азалий савол,  
Юрагида бир умрлик ғам.

Қимтинади тиришиқ лаблар:  
Дарё экан умрим билмадим.  
Ҳидоятга етаклар дардлар:  
Дунё экан йўлим билмадим.

Ва ўқилар одатий ҳукм  
Кампир йиглар ажраб дўстидан.  
Барчасини англағани чун  
Жой берилар ернинг остидан.

## **Ҳикмат**

Инсон туғилади...  
Сўнг тилга кирап...  
Юксалиб боради яшаган сари.  
Асли бу одатий дунёниг  
Биз англаб етмаган мўъжизалари.

Куртаклар уйғонар,  
Майсалар унар...  
Замин мўъжизага тўлиб боради.  
Менинг ҳайратларим қадалган ҳар жон  
Бир олий ҳикматга дўуниб боради.

Асли ҳикмат экан дунё борича,  
Унинг ҳар бурчида кўрдим Худони.  
Нақадар мукаммал яралган олам,  
Уни англағанинг бутдир иймони.

## **Муқояса**

Жаноб Дарвин, сенинг сўзларинг ёлғон.  
Қойил ҳам қолмайман фасохатингга.  
Чунки юрагингда кўп экан нуқсон,  
Синчковлик етишмас фаросатингга.

Ахир, атрофингга боққил теранроқ.  
Сен ҳам бир гўзални севмаганмисан?  
Унинг кўзларига термулиб ногоҳ  
Худонинг кудратин сезмаганмисан!

## **Нажот**

Сени бир кўрдиму сен билан қолдим,  
Ташлаб кетолмадим кулгуларингни.  
Юзингда гирдоблар ичра йўқолдим,  
Унудим ақлли туйгуларимни.

Ўша кундан бери ёришмас кўнглим,  
Аввалгидек ширин ҳаётим йўқдир.  
Ўша кундан бери йўқотдим йўлим  
Кўзларингдан ўзга нажотим йўқдир.

## **Биринчи севги**

Сочлар тараларди замонага хос,  
Янги кийинмоқ ҳам албатта даркор.  
Кўриб қўйсин дея дўндиқ қизалоқ  
Ўтиб-қайтар эдим кўчангдан такрор.

Сени бир қаратмоқ учун ўзимга  
Қанча-қанчасининг қонаган бурни.  
Гўзал кўринардинг менинг кўзимга,  
Сен ҳам севармидинг мендайин зўрни.

Балки бир оғиз сўз кутгандинг мендан.  
Мен эса соч тараб йилларим ўтди.  
Ва тақдир севгимни юлиб кўнглимдан  
Балоғат чиптасин қўлимга тутди.

Бугун олисдамиз ўшал дамлардан.  
Энди бошқа-бошқа ҳаёт қурамиз.  
Лек баъзан баландроқ чиқиб ғамлардан  
Шу илк муҳаббатни эслаб юрамиз.

Шу илк муҳаббатнинг титрофи, шавқи  
Гўзал бир ҳаётга очди йўлакча.  
Балки шунинг учун йиллар ўтса ҳам  
Шу дўндиқ қизчага мөхрим бўлакча!



## Чавандоз

Севолмайман энди мен,  
Кўнглим менинг эзилди.  
Ёлғизгина севгимдан  
Умидларим узилди.

Дардимни ол, тулпорим  
Бўш кўйдим жиловингни.  
Узоқларга кетайлик  
Сўндирай оловимни.

Бу ҳаётдан зерикдим  
Бир яхшилик қил менга.  
Бахтим йўлин кўрсат сен  
Мен бош эгай ҳукминга.

...От йўл солиб қайгадир  
Кўнглимни тилаклайди.  
У бахт излаб, севгилим  
Ховлингга етаклайди.

## **Укамга**

Ҳаётингда биринчи бор  
Муҳаббатга ишинг тушса,  
Мактабдами, қўчадами  
Бир гўзалга ишқинг тушса,

Толеъингдан маст бўлма, бу  
Ўткинчи бир ҳавас бўлар.  
Бу дунёнинг қонуни шу  
Баҳт доим бир нафас бўлар.

## **Хушомад**

Сени кўрмоқ ҳар кунги ният  
Ҳаётимда йўқ ўзга матлаб.  
Ўзингдирсан энг улуғ неъмат  
Мўъжизалар бир тийинлик гап.

Худо йиғиб чиройнинг борин  
Бандаларга этгандай тортиқ.  
Севдим дедим, аммо сен ёрим  
Севилмоқдан минг марта ортиқ.

## **Қизлар хаёли**

Севсангиз, шоколад сўрайди қизлар,  
Бу лаблар таъмига ишорамикан?  
Чунтакка қул чўзиб қизарар юзлар,  
Бошқалар ҳам мендек бечорамикан?

Майли, жон берамиз жонлар сўраса,  
Уларнинг баҳтини биламиз бизлар -  
Оғизлари бир зум ширироқ бўлса,  
Ҳаётим ширин, деб ўйлайди қизлар.

\* \* \*

Қишлоқ ёшларининг висоли қизиқ  
Уни висол деб ҳам атаб бўлмайди.  
Дарвоза қиз учун энг сўнгги чизиқ  
Ундан ташқарига хатлаб бўлмайди.

Дўстлари ичидагимоғдор юриб  
Бир ўзи қолганда мажнун йигитлар.  
Киз ёққан ўчиқнинг тутунин кўриб  
Висолдан қайтади мамнун йигитлар.



## Ўқинч

Чирой очар гул тўкиб шабнам  
Бошин эгиб ўтганингдан сўнг.  
Гўзаллигинг англадим мен ҳам  
Эрга тегиб кетганингдан сўнг.

Ярашибди келин рўмолинг  
Ва ёнингда жуфти ҳалолинг,  
Аммо менга кўпдир саволинг,  
Эрга тегиб кетганингдан сўнг.

Нигоҳингда таъна бор менга,  
Чиройингда таъма бор менга,  
Дарвозангда нима бор менга?  
Эрга тегиб кетганингдан сўнг.

Тақдир шундай норасо доим,  
Ошиқقا ёр нораво доим,  
Сендай келин излайди ойим,  
Эрга тегиб кетганингдан сўнг.

## **Хиёнат**

Ўғлингнинг соchlари жингалак бўлса,  
Қизинг парируҳсор ё малак бўлса,  
Демак, қалбинг сенга хиёнат қилган.  
Менинг ҳисларимга итоат қилган.

Ахир сен отангнинг ҳукмига ожиз  
Бош эгиб, бошқага тегиб кетган қиз.  
Аммо соғинганинг қолмас ноаён  
Фарзандинг ҳуснида бўлар намоён.

Қара, дадасининг соchlари пачоқ,  
Ўғлингнинг соchlари нега қўнғироқ?  
Қизингнинг кўзига термуласан жим,  
Сени таъқиб қиласр менинг кўзларим!

## **Фаришта**

Сени Худо қудратимдан  
Далолат деб яратган.  
Иймонидан айрилганга  
Хидоят деб яратган.

Мен-ку майли, бир осийман  
Савобларда ҳаддим йўқ.  
Шу сабабдан сендай ҳурни  
Севишга ҳам ҳаққим йўқ.

Аммо йиллар панд бермасин,  
Ташлаб кетма дунёни.  
То одамлар сенга қараб  
Эслаб турсин Худони!



## **Мұҳаббатсиз қийноқ**

Күп гүзал қызларни күрдим дунёда,  
Күзига термулиб түймадим уни.  
Аммо мен ғарибнинг дардим зиёда -  
Худо мұҳаббатсиз қийнади мени.

Висолдан умидим йўқдир, майлига,  
Ё сингиб кетибман замон зайдига,  
Қайси бевафонинг қилган айбига,  
Худо мұҳаббатсиз қийнади мени

Гарчи не қызларда заволим қолди.  
Шахло кўзларида хаёлим қолди.  
Балки шу кунларга уволим қолди,  
Худо мұҳаббатсиз қийнади мени.

Севардим, у ўтли нигоҳдан бўлса.  
Севардим, у балки никоҳдан бўлса.  
Мен нетай у ҳукми Илоҳдан бўлса,  
Худо мұҳаббатсиз қийнади мени.

## **Фалсафа дарси**

**Менинг бир жоним бор,  
Битта маконим.  
Ва яна бемаврид келган замоним.  
Шу иккиси сенинг ҳаддинг дедилар.  
Ундан ташқарида эмас имконим.**

**Йўқ.**

**Мен бўйсунмайман бундай қонунга.  
Яшагим келаяпти эркин ва озод.  
Ахир дунёлардан азизроқ менга  
Макон ва Замондан ташқари Ҳаёт.**

## **Одобли таяба**

Талабалик йилларим айни  
Сўниб қолди оловли кўнглим.  
Сал хунукроқ бўлсаям майли,  
Тополсайдим ўз севган гулим.

Муаллақдир юрак кўксимда,  
Маърузадек bemazmун умрим.  
Учтадан бор ҳамма дўстимда  
Одоб сақлаб юрибман ўзим.

Бунда йигит девонадир ё  
Жим юриб ҳам севаркан қизлар.  
Биринчидан битиргунча то  
Бир-бирига суюкли кўзлар.

Менинг умрим ўтди севгисиз.  
Ўз жонимни ҳароб этибман.  
Талабалик қайтмаса, эссиз  
Нечун бунча одоб этибман!

## **Тўртинчи курс**

Айттолмайман дўстларга сирим,  
У ҳам сенинг ошиғинг шаксиз.  
Қарокўзинг ҳаммага шириń,  
Факультетда энг чиройли қиз.

Энди ҳамма ўқишда ҳозир,  
Маърузани тинглайди ожиз.  
Танаффусдан бўлиб хавотир,  
Факультетда энг чиройли қиз.

Йўлагингда турамиз аммо,  
Чиқишингни кутмагандаймиз.  
Таниш эмас бизларга гўё  
Факультетда энг чиройли қиз.

Аслида-чи, ичлар қиринар,  
Бўғезимиздан тошади бир ҳис.  
Ва малакдек шу пайт кўринар  
Факультетда энг чиройли қиз.

Биримиз бой, биримиз мискин.  
Ўхаш эмас ҳатто севгимиз.  
Лек ҳаммага ягона таскин  
Факультетда энг чиройли қиз.



Парталарга ўйилди исминг  
Юракларда қолдирғандек из.  
Аммо насиб этмади васлинг  
Факультетда энг чиройли қиз.

Кетаётиб, бу олтин гүша  
Қаршисида чўкиб қолдим тиз.  
Ахир унда ўқир ҳамиша  
Факультетда энг чиройли қиз.

## **Бемор**

Бошимда сал оғриқ бор, майли  
Ошқозон сал қийноққа солар.  
Бу касалдан одам ўлмайди,  
Юраверсам тузалиб қолар.

Аммо марҳум севги туфайли  
Юрагимга қадалган тикан.  
Севгидан-ку одам ўлмайди,  
Юраверсам тузалармиカン?!



## **Изҳор**

Биласан, мен сени яхши кўраман.  
Сезгансан муҳаббат иқроримни ҳам.  
Эшитиб бўлгансан сирдошларингдан  
Айтилмаган севги изҳоримни ҳам.

Аммо илтифотим кутмагин бекор,  
Чиройли сўзлашга нўноқман, тўрман.  
Ва ҳалдан бироз қайсарлигим бор,  
Қанча ошиқ бўлсам, шунча мағурман.

## **Шаҳарлик күёв**

У қишлоқ гўзали, у танҳо малак,  
Шаҳар жононлари унга етмайди.  
Ахир унинг сочи асли жингалак,  
Қошининг қароси ювса кетмайди.

Қавоги устида соялари йўқ,  
Ҳатто лабларини буямайди у.  
Васлига интизор ошиқлари кўп  
Лекин ҳеч бирини ўйламайди у.

Қанча содда бўлса, шунчалар лобар,  
Ундагина кўрдим саодатимни.  
Бироз шаддодлигин кечирса бўлар,  
Муҳими, сезмайди хиёнатимни.



## **Метрода**

Рўпарамда ўтирган қизнинг  
Типирчилаб қолди нигоҳи.  
Сезишимча, кўзларимизнинг  
Бир-бирига етмайди оҳи.

Аммо уни севолмайман ҳеч,  
Қарашларим шунчаки эрмак.  
Рўпарамга ўтирди-ку кеч,  
Қаршисидан кетишим керак.

Лекин аҳдим бўлди гуноҳли,  
Бу гуноҳим қандай аталар?  
Кетай десам оёғим боғли,  
Томоғимга пичоқ қадалар...

## **Журналист**

Мұхбирликнинг мезони оғир,  
Елиш керак, югуриш керак.  
Бир ҳафтада фалонча сатр,  
Саҳифага тушуриш керак.

Мен эса бир бемалолхұжа,  
Фаолларга қилолмам тақлид.  
Ҳар ҳафтада саналар жүжа,  
Ҳар мажлисда бұламан танқид.

Нега ёзай, ахир ёзганим  
Күмга түшгән сувдек бесамар.  
Сомсапазлар эски сомсасин  
Мақоламға ўраб берсалар.

Қандай ёзай, ахир, дардларим  
Оқ қоғоздан бекадр бўлса?  
Йил ўтсаю умр дафтарим  
Беиз бўлса, бесатр бўлса?



## **Масъулият**

— Яна шу гап, — дейди бошлиқ ўдағайлаб,  
Раҳбар бўла туриб, сендан эрта келдим.  
— Ака, — дейман, — кечикмадим мен атайлаб,  
бизга яхши бўлсин деган дардда келдим...

— Итоатли бўлсанг сени ҳушлар ҳамма,  
Шунинг учун мен ҳам, мана, катта келдим.  
— Тўғри, — дейман, — Сиз буюксиз. Ўзим эса  
Аввал бошдан ишга нўноқ «латта» келдим.

...Ҳамон бизнинг кунларимиз шундай ўтар,  
Мен ҳам мудом кечикишда қайта келдим.  
Бошлиқ ҳануз интизомни қаттиқ тутар,  
Мен эса ўз қўшигимни айта келдим:

Койишса минг койийверсин, ўламайман-у,  
Бу дунёга бор-йўғи бир марта келдим.  
Масъулиятим нима эди, билмайман-у,  
Ўшандада ҳам кечикиб ё эрта келдим.

## Формула

Бу ҳаёт талотўпдир  
Кулаётган тоғ мисол,  
Ҳар дақиқа бошгинанг  
Нишон бўлар тошларга.  
Яшолмадик бирор кун  
Бехато ва безавол,  
Гуноҳимиз оғирлик  
Қилмасмикин бошларга?

Бу ҳаёт талотўпдир  
Кўпирган денгиз мисол,  
Тўлқинлар элтар бизни  
Номаълум томонларга  
Куёшингта тик боқиб  
Яшамоқ амри маҳол,  
Кунимиз боғлиқ бўлгач  
Ёлғону ёмонларга

Шу тақлид умр бўйи  
Дунёни ўйлаб беҳол,  
Оҳ уриб, чап кўкракка  
Аста қўл узатамиш:  
Бу ҳаёт талотўпдир  
Бир дамлик пойга мисол,  
Бешикларда эркалаб  
Тобутда кузатамиш.

## **Ният**

Йўл бошида дуогўй кампир  
Одамлардан кутар иноят.  
Эвазига нелар ҳақдадир  
Яратганга қиласар шикоят.

Йигитларга омад тилар у  
Бўй қизларга яхши жойлардан.  
Бефарзандга фарзанд сўрар у  
Камбағалга қўшша тўйлардан.

Менинг эса орзуим олам  
Айтаверсам кўнглим бўлмайди.  
Бирортасин айтганимда ҳам  
Эвазига пулим бўлмайди.

Дуо қилинг мени ҳам, момо  
Сизга берар пулларим бўлсин.  
Қизалогим онамдай доно  
Отамдай шўх улларим бўлсин.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> «ул» шевада ўғил дегани.

• • •

Зарурат деб билдим нағмаларимни,  
Ибодатга ўхшаш таъмларимни,  
Бажариб энг сўнгти ваъдаларимни,  
Сигиниб яшагим келар менинг ҳам.

Битмас бир шижоат, туганмас сабот  
Менга олислардан баҳш этар қанот.  
Барҳақ ҳукмларин кеч қилсин ҳаёт,  
Софиниб яшагим келар менинг ҳам.

Мусаффо ҳисларни топтадим гарчи,  
Мақтовли ҳислатим топмадим гарчи,  
Бироз юришмаган омадим гарчи,  
Севилиб яшагим келар менинг ҳам.

Севиниб яшагим келар менинг ҳам.  
Кувониб яшагим келар менинг ҳам.  
Мен билан баҳтиёр бўлишингизга  
Ишониб яшагим келар менинг ҳам.



\* \* \*

Дейдилар, севги бу айрилиқ, фироқ.  
Унинг шодлигидан қайғуси кўпроқ.  
Лекин унумтаки, қайғули севги  
Севгисиз қайғудан кўра яхшироқ.

\* \* \*

Мен ҳаддан зиёда ёлғон гапирдим.  
Жабридан қўрқмадим, шодон гапирдим.  
Менинг бир гуноҳим кечирилмасдир —  
Севаман сўзини осон гапирдим.

\* \* \*

Аввал ташна бўлдим, жамолинг керак.  
Дедим, яна ақлу камолинг керак.  
Ошиқлик маъносин тушундим энди  
Менга ўзинг эмас, хаёлинг керак.

\* \* \*

Зийнат топай десам, ўткинчи дунё.  
Ҳурмат топай десам, у ҳам бевафо.  
Орзу-истакларим пучдек кўринди,  
Ҳаётда мен нени излайн, Ҳудо?



\* \* \*

Гуноҳдан покловчи рохиблар нима?  
Она Ганганинг ҳам хислати ёлғон.  
Асли дунёда энг покиза кимса  
Бола нигоҳидан уялган инсон!

\* \* \*

Яхшиям, дунёни ютиб бўлмайди.  
Ташлаб ҳам юбориб бўлмас осмонни.  
Яхшиям, одамлар мингга кирмайди  
Шукурки, кечириш мумкин инсонни!

\* \* \*

Худо, менинг гуноҳимдан ўт.  
Кечириб қўй эркалигимни.  
Мен иззатин билмаган ношуд,  
Унутганман эрталигимни.

## МУНДАРИЖА

Беҳикмат бўлмагай тоғларнинг тоши.....	3
Давомийлик .....	4
Чизги .....	5
Ун еттинчи баҳор.....	6
Илинж .....	7
Иўқдама.....	8
Оғриқ .....	10
Парадокс .....	10
Катталар дунёси.....	11
Хақиқат .....	12
Уйку.....	11
Ривоят .....	13
Хавотир .....	13
Кечинма .....	14
Рӯбару .....	15
Улиқ .....	16
Тасодиф .....	17
Икрор .....	18
Итироб .....	19
Таскин .....	20
Тушуниш .....	21
Ҳикмат .....	22
Муқояса .....	23
Нажот .....	23
Биринчи севги .....	24
Чавандоз .....	25
Укамга .....	26
Хушомад .....	26
Қизлар хаёли .....	27
Қишлоқ ёшлари .....	27
Укинч .....	21
Хиёнат .....	29
Фаришта .....	30
Мұхаббатсиз қыйноқ .....	31
Фалсафа ларси .....	32
Одобли талаба .....	33
Тўртингич курс .....	34
Бемор .....	36
Издор .....	37
Шаҳарлик күес .....	38
Метрода .....	39
Журналист .....	40
Масъулнинг .....	41
Формула .....	42
Ният .....	43
Зарурит .....	44
Туртакилар .....	45

84 (5Ў)6

C28

Самадов, Айвар.

Таскин: Тўплам / А.Самадов. –  
Тошкент: Istiqlol, 2008. – 48 б.

ББК 84 (5Ў)6

Адабий бадиий нашр

Айвар Самад  
(Айвар Самадов)

## ТАСКИН

Муҳаррир *Рауф Субҳон*  
Мусаввир, саҳифаловчи *Суннат Пўлатов*

Босмахонага берилди 18.04.2008 й. Бичими 60x84 1/2.  
Таймс гарнитурасида. Босма табоги 1,5.  
Адади 1000 нусха.

«Истиқлол нашриёти» МЧЖ. Тошкент шахри,  
Навоий кӯчаси, 30-уй. Шартнома № Н-43.